

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**135** Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2775*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 3 март,  
10-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 3 март,  
2016-06-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2016 йил 3 мартдаги  
10, 2016-06-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш  
натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг  
ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги  
ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 228-моддасига мувофиқ ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг (бундан буён матнда ҚҚС деб юритилади) ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги ёзма аризани кўриб чиқиш, қайтарилиши лозим бўлган ортиқча суммани аниқлаш ва маблағларни солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низомда ҚҚСнинг ортиқча суммаси деганда ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборотда фойдаланиладиган, ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳисобга олиннадиган, тўланиши лозим бўлган (тўланган) ҚҚС суммасининг ортиши тушунилади.

2. ҚҚСнинг ортиқча суммаси солиқ тўловчига қуйидаги кетма-кетликда қайтарилади:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 207-моддасига асосан тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси (Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан тақдим қилинган ишлар ва хизматлар бўйича тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси) қопланади;

солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича мавжуд солиқ қарзи қопланади;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 228-моддасига мувофиқ солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилади.

3. ҚҚСнинг ортиқча суммасини Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 207-моддасига мувофиқ тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммасини, шунингдек бошқа солиқлар бўйича қарздорликни қоплаш ҳисобига қайтариш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 56-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Ушбу Низомнинг 3-бандига мувофиқ бошқа солиқлар бўйича қарздорликни қоплашдан кейин сақланиб қолинган ҚҚСнинг ортиқча суммаси солиқ тўловчининг ёзма аризасига асосан унинг банкдаги ҳисобварағига қайтарилади.

ҚҚСнинг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тўғрисидаги ёзма ариза солиқ тўловчи томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган ҚҚСнинг ортиқча суммаси ҳосил бўлган ҳисобот даври тугагандан кейин ўн икки ойдан кечиктирилмаган муддатда тақдим этилиши лозим.

ҚҚСнинг ортиқча суммасини банк ҳисобварағига қайтариш тўғрисида ариза белгиланган муддат тугагандан кейин тақдим қилинган тақдирда, ҚҚСнинг ортиқча суммаси солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтарилмайди, балки ушбу Низомнинг 3-бандига асосан бошқа солиқлар бўйича қарздорликни қоплаш йўли билан амалга оширилади.

5. Ушбу Низомнинг 4-бандига мувофиқ ҚҚСнинг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш, тегишли давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчининг ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги аризаси олинган вақтдан бошлаб йигирма кун мобайнида бир йўла амалга оширилади.

**2-боб. ҚҚСнинг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш**

6. Ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги ҚҚСнинг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тўғрисидаги ариза солиқ тўловчи томонидан у рўйхатга олинган жойдаги давлат солиқ инспекциясига (бундан буён матнда ДСИ деб юритилади) қуйидаги ҳужжатлар тўрт нусхада илова қилинган ҳолда тақдим этилади:

а) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича юридик шахс қарзларининг солиштирув далолатномаси. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича юридик шахс қарзларининг солиштирув далолатномаси солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари бўйича ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 15-кунига қадар тузилади ва бир календарь ой мобайнида амал қилади;

б) Солиқ ҳисоботининг шакллари (рўйхат рақами 2439, 2013 йил 22 март) бўйича ҚҚС ҳисоб-китоби;

в) юридик шахсга илгари ҚҚСнинг ортиқча суммаси қайтарилган бўлса, ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда қайтарилган суммалар тўғрисида маълумотлар тақдим этилади;

7. Ушбу Низомнинг 6-бандига кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар тўрт нусхада тақдим этилади:

а) товарларни экспорт қилиш натижасида ҳосил бўлган ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтариш учун:

контрактнинг белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхалари;  
товарларни экспорт қилиш режимига чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг белги қўйилган божхона юк декларацияларининг кўчирма нусхалари;

контрактлар (товарларнинг юклаб жўнатилган туркуми) бўйича чет эл

валютасида тушум суммаси тушганлигини тасдиқловчи банк кўчирмаларидан нусхалар;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ўтказиш пунктида жойлашган божхона органининг товарлар тайин этилган мамлакатга жўнатилганлигини тасдиқловчи қайд белгиси қўйилган товарга илова қилинадиган хужжатларнинг кўчирма нусхалари.

Товарлар экспортга воситачи (ишончли вакил) орқали воситачилик (топширик) шартномаси бўйича реализация қилинганда экспортни тасдиқлаш учун комитент (топширик берувчи) томонидан қуйидаги хужжатлар тақдим этилади:

солиқ тўловчи билан воситачи (ишончли вакил) ўртасидаги воситачилик (топширик) шартномаларининг кўчирма нусхалари;

солиқ тўловчининг топшириғига кўра (воситачилик (топширик) шартномасига мувофиқ) экспортга товарлар етказиб беришни амалга ошираётган шахснинг товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига етказиб бериш учун чет эллик шахс билан тузилган контрактларининг белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхалари;

товарларни экспорт режимига чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг белгиси қўйилган божхона юк декларацияларининг кўчирма нусхаси;

контракт (товарларнинг юклаб жўнатилган туркуми) бўйича чет эл валютасида реализация қилинган товарлар учун тушум воситачининг, ишончли вакилнинг ёки солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига келиб тушганлигини тасдиқловчи банк кўчирмаларининг нусхалари;

б) чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга расмий фойдаланиш учун товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилиниши натижасида ҳосил бўлган ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтариш учун — белгиланган шаклда расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактураларнинг кўчирма нусхалари;

в) «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, шунингдек чет эл юқларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ташиш (транзит ташиш) бўйича хизматлар кўрсатиш натижасида ҳосил бўлган ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтариш учун:

ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш учун тузилган контрактнинг кўчирма нусхалари;

бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга чет эллик сотиб олувчи (тўловчи) томонидан ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи банк кўчирмаларидан нусхалар;

ишлар (хизматлар) сотувчиси ва харидори томонидан имзоланган, ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқлайдиган хужжатларнинг кўчирма нусхалари;

г) ички бозорда ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотларни (калава, газ-мол, трикотаж полотно ва пахтани йигириш чиқиндиларини) эркин муома-

ладаги валютага ҚҚСни ноль даражали ставкасини қўллаш билан сотилиши натижасида ҳосил бўлган ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтариш учун:

тўқимачилик ярим тайёр маҳсулотларни етказиб беришга оид контрактлар (шартномалар) кўчирма нусхалари;

тўқимачилик ярим тайёр маҳсулотларни сотиб олувчига жўнатилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклда расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактураларнинг кўчирма нусхалари;

д) аҳолига сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти ва санитария тозалаш бўйича коммунал хизматлар кўрсатиш натижасида ҳосил бўлган ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтариш учун — ноль даражали ставкани қўлланилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари;

е) йўловчилар, багажлар, юклар ва почтани халқаро йўналишда ташиш бўйича хизматлар реализация қилиш натижасида ҳосил бўлган ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтариш учун — ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги йўловчилар, багажлар, юклар ва почтани халқаро йўналишда ташиш бўйича ягона халқаро ташиш ҳужжатлари реестри.

8. Солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтариш учун, ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган, ҳақиқатда реализация қилинган товарлардан (ишлар, хизматлардан) келиб чиққан ҳолда, чет эл валютасида реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича эса, ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган ҳақиқатда реализация қилинган товарлардан (ишлар, хизматлардан) ва чет эл валютасида келиб тушган тушумдан келиб чиққан ҳолда ҳисобга олинadиган ҚҚСнинг суммасидан келиб чиққан ҳолда қайтариладиган ҚҚСнинг ортиқча суммасининг энг юқори суммаси ҳисоблаб чиқилади.

Аризада кўрсатилган, банкдаги ҳисобвараққа қайтарилиши лозим бўлган ҚҚСнинг ортиқча суммасининг асослигини тасдиқлаш учун солиқ тўловчи ДСИга тўрт нусхада ушбу Низомнинг 4 ёки 5-иловаларига мувофиқ шаклда солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтарилиши лозим бўлган ҚҚСнинг ортиқча суммаси бўйича ҳисоб-китоб (ҳисоб-китобни тўлдириш бўйича шартли мисол ушбу Низомнинг 4а ва 4б-иловаларида келтирилган).

9. ҚҚСнинг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тўғрисидаги ёзма ариза ва илова қилинадиган ҳужжатлар (бундан буён матнда ҳужжатлар тўплами деб юритилади) ДСИНинг девонхонаси томонидан ҳужжатлар тўпламини қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда масъул ходимнинг имзоси билан қабул қилинади.

Келиб тушган ҳужжатлар тўпламига ДСИ ушбу Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклда Техник йўналиш қоғозини расмийлаштиради. Техник йўналиш қоғози тегишли давлат солиқ хизмати органи ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (бундан буён матнда Молия вазирлиги деб юритилади) томонидан ҳужжатлар тўпламининг барча ўтиш босқичларида тўлдирилади.

Бунда тегишли босқичда тўлдирилган Техник йўналиш қоғозининг кўчир-

ма нусхаси давлат солиқ хизмати органлари ва Молия вазирлигида сақла-ниши лозим.

10. Хужжатлар тўплами олинганидан кейин ДСИ ҚҚС бўйича ноль даражали ставкани қўллашнинг асослилигини, ушбу Низомнинг 6 — 8-банд-ларида кўрсатилган хужжатларнинг мавжудлиги ва ишончилигини текши-ради.

11. Хужжатларни давлат солиқ бошқармасига беришга қарор қабул қилинганда ДСИ солиқ тўловчининг аризаси олинган кундан бошлаб 4 иш кунидан кечиктирмай:

солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ тўловчининг банк ҳисоб-варағига қайтариладиган ҚҚСнинг ортиқча суммаси ҳисоб-китобининг бар-ча нусхаларини тасдиқлайди;

ушбу Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шаклда ҚҚСнинг ортиқча сумма-сини қайтариш тўғрисидаги хулосани (бундан буён матнда Хулоса деб юри-тилади) расмийлаштиради ва уни кейинчалик кўриб чиқиш учун юқори турувчи давлат солиқ бошқармасига тақдим этади.

Юқори турувчи давлат солиқ бошқармасига юборилаётган Хулосага солиқ тўловчи тақдим этган хужжатларнинг уч нусхаси тегишли рўйхат билан биргаликда илова қилинади. Хужжатларнинг бир нусхаси ДСИда сақлаш учун қолдирилади.

Бунда солиқ тўловчидан хужжатлар тўпланини қабул қилган ДСИ Ху-лосага илова қилинаётган хужжатларнинг барча нусхаларининг айнан бир хиллиги, шунингдек уларнинг бутлиги учун жавобгар ҳисобланади.

12. Давлат солиқ бошқармаси Хулоса олинган кундан кейин 4 иш ку-нидан кечиктирмай Хулосанинг асослилигини текширади ва хужжатларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига (бундан буён матнда Давлат солиқ қўмитаси деб юриртилади) бериш тўғрисида қарор қабул қилин-ган тақдирда Хулосани келишади ва уни тасдиқлаш учун Давлат солиқ қўмитасига тақдим этади.

Давлат солиқ қўмитасига юборилаётган Хулосага ДСИ томонидан тақ-дим этилган хужжатларнинг икки нусхаси тегишли рўйхат билан биргалик-да илова қилинади. Хужжатларнинг бир нусхаси давлат солиқ бошқармаси-да сақлаш учун қолдирилади.

Бунда давлат солиқ бошқармаси Хулосага илова қилинаётган хужжат-лар барча нусхаларининг айнан бир хиллиги, шунингдек уларнинг бутлиги учун жавобгар ҳисобланади.

13. Давлат солиқ қўмитаси давлат солиқ бошқармаси томонидан кели-шилган Хулоса олинган кундан бошлаб 4 иш кунидан кечиктирмай Хулоса-нинг асослилигини текширади ва хужжатларни Молия вазирлигига бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Хулосани тасдиқлайди ва уни Молия вазирлигига тақдим этади.

Молия вазирлигига юборилаётган Хулосага давлат солиқ бошқармаси тақдим этган хужжатларнинг бир нусхаси тегишли рўйхат билан биргалик-да илова қилинади. Хужжатларнинг бир нусхаси Давлат солиқ қўмитасида сақлаш учун қолдирилади.

14. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан Хулоса ва унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг тақдим этилиши фельдъегерлик хизматлари бўлинмалари орқали амалга оширилади.

15. Хулоса ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда Молия вазирлигининг девонхонаси томонидан қабул қилинади.

Молия вазирлигининг тегишли тармоқ бошқармаси Хулоса ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб 6 иш кунидан кечиктирмай Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган Хулосани кўриб чиқади ва ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, ҚҚСнинг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига қайтариш тўғрисида сўровномани (бундан буён матнда Сўровнома деб юритилади) тайёрлайди. Сўровнома Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг мутасадди ўринбосари томонидан имзоланади.

Сўровноманинг имзоланган асли ва бир кўчирма нусхаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган Хулоса билан биргаликда Молия вазирлиги Фазначилигига (бундан буён матнда Фазначилик деб юритилади) Ягона газна ҳисобварағидан (бундан буён матнда ЯҒҲ деб юритилади) солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига тўловни амалга ошириш учун топширилади.

Фазначилик ходими Сўровноманинг кўчирма нусхасига қабул қилиб олинган сана, вақтни ва фамилияси, исми ва отасининг исмини кўрсатган ҳолда имзо қўяди ҳамда уни Тармоқ бошқармасига қайтаради. Сўровноманинг асли Фазначиликда сақланади.

Фазначилик Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг мутасадди ўринбосари томонидан имзоланган Сўровнома ва Давлат солиқ қўмитаси тасдиқлаган Хулосани олган кундан сўнг 2 иш кунидан кечиктирмай ЯҒҲдан солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига ҚҚСнинг ортиқча суммаси тўловини амалга оширади.

### **3-боб. ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтаришни рад этиш**

16. Давлат солиқ хизмати органлари ва Молия вазирлиги қуйидаги ҳолатларда ҚҚСнинг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтаришни рад этиш тўғрисида қарор (бундан буён матнда рад этиш тўғрисида қарор деб юритилади) қабул қилишга ҳақли:

солиқ тўловчининг ДСИга ҳужжатлар тўплами топширилган кун ҳолатига солиқлар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган ҳолатда;

ҳисобга олиннадиган ҚҚС суммаси нотўғри аниқланганда, шу жумладан ҳисобга олиннадиган ҚҚС суммасига тузатиш киритилмаганда, шунингдек қайтарилиши лозим бўлган ҚҚСнинг ортиқча суммасининг энг юқори суммаси нотўғри аниқланганда;

ҳужжатлар тўплами тўлиқ бўлмаган ёки ҳужжатларни ушбу Низомнинг 6 — 8-бандларида кўрсатилган талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилиб тақдим қилинганда.

17. Рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда солиқ тўловчига рад этиш сабаблари ва асослари кўрсатилган ҳолда ёзма хабарнома (бундан буён матнда рад этиш тўғрисида хабарнома деб юритилади) тақдим этилиши лозим.

18. Агарда рад этиш тўғрисидаги қарор ДСИ томонидан қабул қилинган тақдирда, рад этиш тўғрисидаги хабарнома солиқ тўловчига рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида юборилади.

Агарда рад этиш тўғрисидаги қарор давлат солиқ бошқармаси томонидан қабул қилинган тақдирда, рад этиш тўғрисидаги хабарнома рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида солиқ тўловчи рўйхатдан ўтган ДСИга юборилади.

ДСИ давлат солиқ бошқармасидан рад этиш тўғрисидаги хабарномани олган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида унинг кўчирма нусхасини солиқ тўловчига юборади.

Агарда рад этиш тўғрисидаги қарор Давлат солиқ кўмитаси томонидан қабул қилинган тақдирда, рад этиш тўғрисидаги хабарнома рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида давлат солиқ бошқармасига юборилади.

Давлат солиқ бошқармаси Давлат солиқ кўмитасидан рад этиш тўғрисидаги хабарномани олган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида унинг кўчирма нусхасини солиқ тўловчи рўйхатдан ўтган ДСИга юборади.

ДСИ давлат солиқ бошқармасидан Давлат солиқ кўмитасининг рад этиш тўғрисидаги хабарномасининг кўчирма нусхасини олган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида унинг кўчирма нусхасини солиқ тўловчига юборади.

Агарда рад этиш тўғрисидаги қарор Молия вазирлиги томонидан қабул қилинган тақдирда, рад этиш тўғрисидаги хабарнома рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида Молия вазирлиги томонидан Давлат солиқ кўмитасига юборилади.

Давлат солиқ кўмитаси Молия вазирлигидан рад этиш тўғрисидаги хабарномани олган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида унинг кўчирма нусхасини Давлат солиқ бошқармасига юборади.

Давлат солиқ бошқармаси Давлат солиқ кўмитасидан Молия вазирлигининг рад этиш тўғрисидаги хабарноманинг кўчирма нусхасини олган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида унинг кўчирма нусхасини солиқ тўловчи рўйхатдан ўтган ДСИга юборади.

ДСИ давлат солиқ бошқармасидан Молия вазирлигининг рад этиш тўғрисидаги хабарноманинг кўчирма нусхасини олган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида унинг кўчирма нусхасини солиқ тўловчига юборади.

19. Солиқ тўловчига рад этиш тўғрисидаги хабарнома билан биргаликда ҳужжатлар тўпламининг асл нусхалари қайтарилади.

Хатоликлар аниқланган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари тегишли давлат солиқ хизмати органида ва (ёки) Молия вазирлигида қолади.



**4-боб. Назорат ва жавобгарлик**

20. Ҳазначилик ЯҒХдан ҚҚСнинг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига ўтказганидан сўнг Ҳазначилик ушбу тўғрисида Тармоқ бошқармасини, шунингдек Ҳазначилик ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар базаларининг ўзаро электрон алоқаси йўли орқали Давлат солиқ қўмитасини хабардор қилади.

Давлат солиқ қўмитаси Ҳазначилик томонидан ЯҒХ дан ҚҚСнинг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига ўтказилганлиги тўғрисида тегишли давлат солиқ бошқармаси ва ДСИни хабардор қилади.

21. Давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларига ҚҚС хабарномаларда кўрсатилган суммаларга камайтирилганлиги тўғрисида ёзувлар киритади.

22. Молия органлари ва давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўловчиларни қайтарилиши лозим бўлган ҚҚСнинг ортиқча суммасини тўғри ҳисобланганлиги масаласи юзасидан биргаликда текширишлар ўтказилади.

ҚҚСнинг ортиқча суммаси ортиқча қайтарилганлиги далиллари аниқланган тақдирда солиқ тўловчидан ҳақиқатда қайтаришнинг ҳисоб-китоб қилинган ва аниқланган суммалари ўртасидаги фарқ олиб қўйилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг даромадига, бюджет тизими бюджетлари даромадлар таснифининг 3 450 721 «Республика бюджети харажатларини қоплаш» кодига йўналтирилади, айбдор мансабдор шахслар эса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Солиқ тўловчиларнинг ўзлари томонидан қайта ҳисоб-китоблар тақдим этиши натижасида ортиқча қайтариш суммаси олинганлиги далиллари аниқланган тақдирда, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ёзма равишда хабардор этиш билан бирга, ҳақиқатда қайтаришнинг ҳисоб-китоб қилинган ва аниқланган суммалари ўртасидаги фарқ Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг даромадига, бюджет тизими бюджетлари даромадлар таснифининг 3 450 721 «Республика бюджети харажатларини қоплаш» кодига йўналтирилади. Солиқ тўловчининг ёзма билдиришномаси ва унга илова қилинган тўлов топшириқномасининг кўчирма нусхалари давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкасига тегишли ёзувларни қайд қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

23. Тақдим этилаётган ҳисоб-китоблар, бирламчи ҳужжатлар ва бошқа материаллар, шунингдек уларнинг кўчирма нусхаларини ишончлилиги ва асослилиги, тўлов ҳужжатларининг тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилиши, уларни тўлашга ўз вақтида тақдим этилиши, мақсадли тўлов бўйича маблағларни ўтказиш ва қайд этиш учун шахсан жавобгарлик солиқ тўловчиларнинг раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари (ёки зиммасига бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий бошқариш вазифалари юкланган бошқа шахс) зиммасига юкланади.

24. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан Хулосани ўз вақтида ва тўғри тақдим қилиниши бўйича жавобгарлик тегишли давлат солиқ хизмати органларининг раҳбарлари зиммасига юклатилади.

25. Хулосада кўрсатилган маблағларни ўз вақтида ўтказилиши, шунингдек хужжатлар тўпламини Молия вазирлигидан ўтиши бўйича Техник йўналиш қоғозини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгарлик Молия вазирлигининг тегишли мансабдор шахслари зиммасига юкланади.

Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисида низомга  
1-ИЛОВА

**Солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариладиган  
ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисида  
АРИЗА**

Корхона \_\_\_\_\_ ,  
(солиқ тўловчининг тўлиқ номи)

манзил бўйича жойлашган \_\_\_\_\_ ,  
(почта индекси, шаҳар (туман, қишлоқ), кўча номи ва уй (квартира) рақами)

\_\_\_\_\_ амалга оширувчи  
(асосий фаолият (ихтисослик) тури)

корхонанинг банк ҳисобварағига \_\_\_\_\_ давр учун \_\_\_\_\_ сўм  
ҚҚС суммасини қайтариш бўйича материалларни кўриб беришингизни сўрайди.

Материаллар	<input type="text"/>	ҳужжатларни илова қилган ҳолда	<input type="text"/>	варақда	Ўлчов	<input type="text"/>
		тузилди ва уларнинг иловалари			бирлиги	сўм

Аризани тақдим қилиш муддати (кун/ой/йил)

\_\_\_\_\_ га тақдим этилади.  
(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

Солиқ тўловчи тўғрисида маълумот

1. Давлат рўйхатига олинганлик тўғрисида гувоҳнома

2. Ташкил қилинган санаси (кун/ой/йил)

3. СТИР

4. ОКОНХ

Телефон: код  рақам

<b>Мазкур аризада кўрсатилган ишончли ва тўлиқ маълумотларни ҳамда аризага илова қилинган ҳужжатларни тасдиқлайман:</b>	<b>Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади</b>
<p>Раҳбар</p> <p>СТИР <input type="text"/></p> <p>Ф.И.Ш. _____</p> <p>Имзо _____</p> <p>Бош бухгалтер</p> <p>СТИР <input type="text"/></p> <p>Ф.И.Ш. _____</p> <p>Имзо _____</p> <p>Сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/></p> <p style="text-align: center;">(кун/ой/йил)</p>	<p>Ушбу ариза билан тақдим қилинади («V» белгиси билан белгиланиши лозим)</p> <p><input type="checkbox"/> қогозда      <input type="checkbox"/> электрон кўринишда</p> <p><input type="checkbox"/> шахсан      <input type="checkbox"/> почта      <input type="checkbox"/> электрон почта</p> <p style="padding-left: 100px;">орқали      орқали</p> <p><input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> варақда тақдим этилди</p> <p>Тақдим этилган сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/></p> <p style="text-align: center;">(кун/ой/йил)</p> <p>Ф.И.Ш. _____</p> <p>Имзо _____</p>

М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)

Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш  
натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солигининг  
ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги  
ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисида низомга  
2-ИЛОВА

**Қайтарилган ҚҚС суммалари тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

\_\_\_\_\_ ойи учун  
(ҳисобот даври)  
\_\_\_\_\_ бўйича  
(ҳудуд (туман, шаҳар) ва корхона номи)

(минг сўм)

Т/р	Давр ва сана	Қайтариш учун тақдим қилинган		Қайтарилган сумма				Ҳисобот даврининг охирида ҚҚСнинг қайтарилмаган қолдиқ суммаси (3-уст. – 5-уст.)
		жами	шу жумладан, аввалги ҳисобот даврида қайтарилмаган сумма	жами (6-уст. + 7-уст. + 8-уст.)	шу жумладан:			
					корхонанинг банкдаги ҳисобварағига	Солиқ кодексининг 207- моддасига асосан тўланиши лозим бўлган қарздорликни қоплаш ҳисобига	бошқа солиқлар бўйича қарздорликни қоплаш ҳисобига	
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1.								
2.								
3.								
Ҳисобот даври бўйича жами								

\_\_\_\_\_ сўм.  
(сўз билан)

Раҳбар \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О)

\_\_\_\_\_ (имзо)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)

Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш  
 натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча  
 суммасини солиқ тўловчининг бандаги ҳисобварағига қайтариш  
 тартиби тўғрисида низомга  
 3-ИЛОВА

20\_\_ йилда йўловчилар, багажлар, юклар ва почтани халқаро йўналишда ташиш  
 бўйича ягона халқаро ташиш ҳужжатлари  
 РЕЕСТРИ

Т/р	Рейс рақами	Ташиш санаси	Йўналиш		Миқдори				Хизматлар қиймати			
			қаердан	қаерга	ташилган йўловчилар	ташилган багажлар	ташилган юклар	ташилган почта	йўловчиларни ташиш бўйича	багажларни ташиш бўйича	юкларни ташиш бўйича	почтани ташиш бўйича

Раҳбар \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)

Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш  
натijasида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солигининг  
ортиқча суммасини солиқ тўловчининг бандаги  
ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисида низомга  
4-ИЛОВА

**Солиқ тўловчининг бандаги ҳисобварағига қайтариладиган ҚҚС ортиқча суммасининг  
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Солиқ даври бошига ҚҚСнинг ортиқча суммасининг қолдиги*	Солиқ солинадиган оборот шу жумладан:								Ҳақиқатда келиб тушган тўловдан келиб чиқиб ҳисобланган, қайтарила- диган ҚҚСнинг ортиқча суммасининг энг юқори миқдори (суммаси) (9 уст. 0401-сатри + 7 уст. 020-сатри + 9 уст. 060-сатри) * 20/100
			жами		20 фоизли ставка бўйича		экспортдан ташқари ноль даражали ставка бўйича		ноль даражали ставка бўйича чет эл валютасига экспорт қилинган товарлар		
			сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	10 <sup>1</sup>
Товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси бўйича оборот	010	х									х
Товарларни (ишларни, хизматларни) реализациясидан соф тушум	020	х									х
Товарларни экспортга чет эл валютасида реализация қилиш	021	х	х	х	х	х	х	х		х	х
Валюта тушумининг тушиши (чет эл валютасида)	030	х	х	х	х	х	х	х		х	х
Чет эл валютасида тушган тушумнинг удуши (030-сатр/ 021-сатр x 100)	040	х	х	х	х	х	х	х		х	х
Валюта тушумининг ҳисоб-китоб тушуми (миллий валютада) (040-сатр 9-уст. x 020-сатр 9 уст.)	0401	х	х	х	х	х	х	х		х	х
Ҳисобот даврида ҳисобга олиш учун қабул қилинадиган сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҚҚС суммаси	050	х	х		х			х		х	х
Жорий солиқ даврида тушуми келиб тушган, аввалги солиқ даврининг экспорт маҳсулотини реализация	060	х	х		х	х	х	х			х

Жадвалнинг давоми

(минг. сўм)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	ҚҚС суммаси қайтарилган			Ҳисоб-китоб бўйича корхона- нинг банкдаги ҳисобварағига қайтарилгани лозим	Корхонанинг шахсий карточкасида келтирилган ҚҚСнинг ортиқча суммаси	Солиқ даври- нинг охирига ҚҚСнинг ортиқча сумма- сининг қолдиғи
		Солиқ кодексининг 207-моддасига асосан тўланиши лозим бўлган қарздорликни қоплаш ҳисобига	бошқа солиқлар бўйича қарздорликни қоплаш ҳисобига	корхонанинг банкдаги ҳисоб- варағига			
А	1	11	12	13	14	15	16
Товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси бўйича оборот	010	x	x	x	x	x	x
Товарларни (ишларни, хизматларни) реализациясидан соф тушум	020	x	x	x	x	x	x
Товарларни экспортга чет эл валютасида реализация қилиш	021	x	x	x	x	x	x
Валюта тушумининг тушиши (чет эл валютасида)	030	x	x	x	x	x	x
Чет эл валютасида тушган тушумнинг улуши (030-сатр/ 021-сатр x 100)	040	x	x	x	x	x	x
Валюта тушумининг ҳисоб-китоб тушуми (миллий валютада) (040-сатр 9-уст. x 020-сатр 9 уст.)	0401	x	x	x	x	x	x
Ҳисобот даврида ҳисобга олиш учун қабул қилинадиган сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҚҚС суммаси	050	x	x	x	x	x	x
Жорий солиқ даврида тушуми келиб тушган, аввалги солиқ даврининг экспорт маҳсулотининг реализацияси	060	x	x	x	x	x	x

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Солиқ даври бошига ҚҚСнинг ортиқча суммасининг қолдиги*	Солиқ солинадиган оборот шу жумладан:								Ҳақиқатда келиб тушган тўловдан келиб чиқиб ҳисобланган, қайтариладиган ҚҚСнинг ортиқча суммасининг энг юқори миқдори (суммаси) (9 уст. 0401-сатри + 7 уст. 020-сатри + 9 уст. 060-сатри) * 20/100
			жами		20 фоизли ставка бўйича		экспортдан ташқари ноль даражали ставка бўйича		ноль даражали ставка бўйича чет эл валютасига экспорт қилинган товарлар		
			сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	10 <sup>1</sup>
обороти бўйича ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси											
Ҳисобга олинадиган ҚҚСнинг умумий суммаси (050-сатр+060-сатр)	070	x	x		x		x		x		x
